


V. ХИЗМАТЛАР

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда учламчи сектор, баъзан хизматлар соҳаси шундай аталади, мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.


2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 32 820 та фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлардан, хизматлар соҳасида 19 122 та корхона ва ташкилотлар жалб қилинган.

2021 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва корхоналар умумий сонининг 14 287 та корхона ва ташкилотлар кичик бизнес субъектларини ташкил этади. 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, уларнинг улуши 74,7 %ни ташкил этди.

**2021 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасига жалб қилинган,
кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, %**



2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (44,5 %) юқори.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлар билан, шунингдек туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар сонининг ўсишига таъсир кўрсатди. Уларнинг улуши 8,1 % ни ташкил этди.


Ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар умумий сонидagi улуши 5,1 % ни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида хизмат кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,7 %ни ташкил этди.

Ахборот ва алоқа хизматлари соҳасида хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 2,0 %ни ташкил этди.

**2021 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият
кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият
турлари бўйича таркиби, %**


(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2 756,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил этди.

Кўрсатилган бозор хизматларнинг таркибида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаганда савдо хизматларига (30,9 %), транспорт хизматларига (20,4 %), молиявий хизматларга (16,6 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига (5,0 %) юқори улушлар кетма-кетлиги кузатилди.

2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган
бозор хизматлари таркиби, %



2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 408,5 млрд. сўмга ошди. Жорий йилнинг олдинги (2021 йил январь-февраль ойлари) даврига нисбатан хизматлар ҳажми 969,3 млрд. сўмга кўпайди.

Жорий йилнинг олдинги даврига нисбатан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсишига савдо хизматлари (289,7 млрд. сўмга), транспорт хизматлари (196,2 млрд. сўмга), молиявий хизматлар (164,2 млрд. сўмга), ҳамда таълим соҳасидаги хизматлар (62,0 млрд. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ошиши асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маълумот үчүн: 2020 йилнинг мос даврига нисбатан молиявий хизматлар – 102,5 млрд. сўмга, савдо хизматлари – 97,3 млрд. сўмга, транспорт хизматлари 72,3 млрд. сўмга ва таълим соҳасидаги хизматлар – 35,1 млрд. сўмга ошган.

**2021 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари
бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари**

	<i>Ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %</i>
Хизматлар – жами	2 756,9	106,9
<i>шу жумладан:</i>		
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	138,2	115,2
молиявий хизматлар	457,5	124,4
транспорт хизматлари	561,1	100,6
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	542,3	102,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	81,7	100,2
савдо хизматлари	851,4	100,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	75,5	101,3
таълим соҳасидаги хизматлар	129,2	132,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	41,8	98,3
ижара хизматлари	90,1	131,7
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	95,2	103,2
шахсий хизматлар	91,8	101,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	36,6	104,3
бошқа хизматлар	106,8	96,1

Энг юқори ўсиш суръатлари таълим соҳасидаги хизматларида 132,2 %, ижара хизматларида 131,7 %, молиявий хизматларда 124,4 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида 115,2 % қайд этилди.

Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари бошқа хизматлар 96,1 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 98,3 %, яшаш ва овқатланиш хизматлари 100,2 % ва транспорт хизматлари 100,6 % да кузатилди.


Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг учдан бир қисмига яқини савдо хизматларини ташкил этди. 2021 йил январь-март ойларида унинг улуши 30,9 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, энг юқори улушларни транспорт хизматлари 20,4 %, молиявий хизматлар 16,6 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 5,0 % эгаллайди.

2021 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 851,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 30,9 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 97,2 млрд. сўмга ошди.

Аҳолининг даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси ўсмоқда.

Савдо хизматлари таркиби улуши, % да



Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга.


2021 йил январь-март ойларида унинг улуши 85,8 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо

бўйича хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 9,2 % га етди. Автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни кўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 5,0 % ни эгаллайди.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фуқаролик жамиятида ва бозор иқтисодиётида юз берадиган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиш учун зарур.

Ҳаётнинг кўпгина соҳаларида АКТ жорий этилиши ва ривожланиши жамият, ҳукумат ва бизнес билан боғлиқ кўплаб ташқи ва ички жараёнларни соддалаштириш ва тезлаштирадиган муҳим элемент ҳисобланади.

2021 йил январь-март ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, %




2021 йил январь-март ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 138,2 млрд. сўмни ташкил этди. Олдинги даврга нисбатан ўсиши 19,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) катта қисмни эгаллаб, унинг улуши 96,3 % ни ташкил этади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар 93,0 % улуш билан етакчилик қилмоқда. Яшаш бўйича хизматлар улуши 7,0 % га тўғри келади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, %



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди.

2021 йил январь-март ойларида молиявий хизматлар ҳажми 457,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати эса 124,4 % ни ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида молиявий хизматларнинг таркиби, %



Молиявий хизматларнинг энг катта қисмини пул-кредит соҳасидаги воситачилик бўйича хизматлар (89,5 %) ташкил этади.

Бугунги кунда ўқув жараёнини сифатли ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий автоматлаштирилган лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод дарсликлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2021 йил январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 129,2 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 132,2 % ни ташкил этди.

Ушбу даврда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми 81,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг улуши 3,0 % га етди.


**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича
хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми**

	<i>Ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да</i>
Қашқадарё вилоят	2 576,9	106,9
Қарши ш.	1053,7	104,0
Шаҳрисабз ш.	120,3	108,0
Ғузор	116,6	105,2
Дехқонобод	94,9	107,6
Қамаши	115,1	108,5
Қарши	135,6	102,2
Косон	170,8	101,9
Китоб	157,1	105,9
Миришкор	66,9	106,5
Муборак	131,1	110,5
Нишон	107,9	107,8
Касби	81,2	110,1
Чироқчи	151,6	102,3
Шаҳрисабз	119,7	101,5
Яккабоғ	134,4	102,8

Худудлар ўртасида энг катта ҳажм Қарши шаҳри (1053,7 млрд. сўм), Косон (170,8 млрд. сўм), Китоб (157,1 млрд. сўм), Чироқчи (151,6 млрд.сўм) ва Яккабоғ(134,4 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

Энг кам ҳажм Миришкор (66,9 млрд. сўм), Касби (81,2 млрд. сўм) ва Деҳқонобод (94,9 млрд. сўм) туманларида кузатилмоқда.


2021 йил январь-март ойларида худудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати, %



Юқори ўсиш суръатлари Муборак (110,5 %), Касби (110,1 %) туманлари ва Шаҳрисабз шаҳри (108,0 %) да кузатилди.

Замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг ҳар бир иқтисодий салоҳиятида туман ва вилоятларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишига боғлиқдир.

**2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор
хизматлари умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %**



Ҳудудлар ўртасида хизматлар умумий ҳажмида энг катта улушни Қарши шаҳри (38,2 %), Косон (6,2 %), Китоб (5,7 %), Чирокчи (5,5 %) туманлари эгаллайди.

Ҳудудлар ўртасида энг кам улуш Миришкор (2,4 %), Касби (2,9 %) ва Дехқонобод (3,4 %) туманларига тўғри келади.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлар ҳажмининг ҳар чорақда ўсиши кузатилмоқда. 2020 йил январь-февраль ойларига нисбатан ҳажм 284,4 минг сўмга ошиб, 824,9 минг сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,5 минг сўмга фарқ қилди.

Туманлар орасида бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 3 778,1 минг сўмдан, Чирокчи туманида 359,9 минг сўмгача оралиғида фарқ қилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг максимал ўсиши Муборак (134,8 %), Дехқонобод (115,3 %), Миришкор (114,1 %) туманларида ва Шахрисабз (109,5 %) шаҳарда кузатилди.

Унча юкори бўлмаган ўсиш суръатлари Косон (97,0 %), Чирокчи (100,9 %), Яккабоғ (101,8 %) туманларида ва Қарши (102,6%) шаҳарда қайд этилди.